

## Терапия Фанини Ўқитишда Интерфаол Усулларнинг Қўлланиши Самарадорлигини Баҳолаш

Аслонова Ибодат Жабборовна

Бухоро Давлат тиббиёт институти, Ички касалликлар пропедевтикаси доценти  
[aslonova.ibodat@bsmi.uz](mailto:aslonova.ibodat@bsmi.uz)

**Резюме:** В статье приведены результаты сравнительной эффективности интерактивных методов обучения "мозговой штурм" и "трехступенчатой интервью" по предметам сестринского дела студентам I- курса Бухарского Государственного медицинского института и Бухарского медицинского колледжа.

**Key points:** Process, Organization, Europe, modern, trend, country.

“Интерфаол” тушунчаси инглизча «Interact» («Inter»- “биргаликда” «act» “таъсир қилиш” маъносини англатади. Бундан чиқадики, “интерфаол усуллар” деганда талабаларнинг ўзаро таъсири тушунилади. “интерфаол ўқитиш усули” ўқитиладиган талабаларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиш шаклини кўрсатади. Интерфаол усулнинг моҳияти ҳамма талабалар ва ўқитувчининг ўзаро таъсирдан иборат . Илмий-техника тараққиётидан ортда қолмайдиган малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни олий ва махсус ўқув юртлари профессор ўқитувчилари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунингдек замонавий олий таълимда иқтидорли касб эгаларини етиштириб бериш учун ўқитишнинг услубларини қайта шакллантириш талаб қилинади .

Интерфаол ўқитиш техникасидан бири “Мия ҳужуми” усули (инглизча brain storming – мия ҳужуми) янги усуллардан бири бўлиб, кўриб ўтиладиган йўналишларга тааллуқли саналади .”Мия ҳужуми” усулининг мақсади янги ғоялар тузиш, яхши ғояга эга бўлиш, яхшироқ натижага эришиш ва масаланинг ечимини янги йўналишини қидиришдан иборат. “Мия ҳужуми”– бу муаммони ечишнинг тезкор интенсив жараёни саналади. Бу ижодий фаолликка чорлаш асосида талабалардан муаммони ечимини кўплаб турли вариантини айтишга, жумладан фантастик тасаввурни намоён қилишга чорлайди. Ўқитувчи айтилган ғоялар орасидан амалиёт учун аҳамиятли бўлганларини саралаб олади.

Ўқитувчи дарсни ўтишдан олдин талабаларга асосий муҳокама принципларини айтади, максимал сонда ғоялар, сифатига эътибор қилинмаган ҳолда, қисқача муаммонинг ечими, бунда критик ва таҳлил қилинмасдан ақлга келг ҳамма ғоялар мужмал бўлса ҳам айтилади, бировларнинг ғоясини ривожлантириш мумкин, фақат танқид қилинмайди. Бунда ўқитувчида аввалдан тайёрлаб қўйилган дарсга оид саволлар тўплами лаборатор машғулотни бажариш жараёнида қўлланиши мумкин.

Ўқув жараёнини оптималлаштиришда янги педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни қўллаш талабанинг клиник билимини баҳолашни такомиллаштиришга олиб келади.Тиббиёт ўқув юртларида амалий кўникмаларни ўргатиш ва унинг бажарилишини баҳолаш алоҳида ёндошувни талаб қилади. Замонавий педагогик технологияларни, ўқитишнинг янги турлари ва такомиллашган усулларини тадбиқ қилмасдан, тиббий таълимни ҳар томонлама ривожлантириб бўлмайди. Таклиф қилинган “Мия ҳужуми” ва “Уч

поғонали интервью” усули талабаларнинг клиник билимини такомиллаштириш учун муҳим саналади .

Ишнинг мақсади. Бухоро Давлат тиббиёт институтининг “Ички касалликлар пропедевтикаси, клиник фармакология ва олий ҳамширалик иши” ва Бухоро тиббиёт коллежининг “Терапия” кафедраси 3 курс талабаларига “Терапия” фанидан ўтказилган амалий машғулотларда интерфаол усулнинг самарадорлигини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун рейтинг кўрсаткичлари бўйича деярли тенг ва ўтиладиган мавзулар айнан ўхшаш иккита репрезентатив гуруҳларда интерфаол ва анъанавий усулларда ўтилган машғулотлар самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди. Нафас аъзоларининг хасталикларига оид 4 та амалий машғулот натижалари қиёсланди. Ҳамма талабалар иккита гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳда 4 та мавзуда (21 талаба) “Мия хужуми” усул, иккинчи гуруҳда (22 талаба) –“Уч поғонали интервью” интерфаол усули технологияси қўлланди.

“Мия хужуми” усулида муаммолар талабалар диққатига ҳавола қилинади, тезда биргаликда таҳлил қилишиб 1-1,5 дақиқада жавоб қайтаришади. “Уч поғонали интервью” усулида ҳар гуруҳда уч кишидан иборат гуруҳ “врач” , “бемор”, “эксперт-УАШ” ролини талабалар бажаради, 10-15 дақиқа вақт ажратилади. “Эксперт” шифокор ҳаракатларига баҳо беради, бунда “нима тўғри бажарилди”, “нима хатолик бўлди?”, “қандай бажариш лозим?” таҳлил қилади, сўнгра ўқитувчи томонидан муҳокама қилинади “Мия хужуми” усули фаннинг умумий қисми мавзуларини, “Уч поғонали интервью” усули махсус бўлимларини ўргатишда қўлланилди. Талабаларнинг билим даражаси ва унинг мустхкамлиги савол-жавобларда, ёзма ишлар, тест натижалари, оралиқ ва якуний баҳолаш натижалари бўйича ўрганилди. “Мия хужуми” усулида ( $\alpha_1$ ,  $\alpha_2$  ва  $\alpha_3$ ) вариантдаги саволлар берилди. Текшириш натижаларининг кўрсатишича “Мия хужуми” ва “Уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билим даражасини шаклланишига ҳар хил таъсир қилди. Бу ҳақида академик гуруҳларда олинган назорат иши натижалари таҳлили далолат берди. Олинган далиллар асосида кўринадик, “Мия хужуми” усули талабаларнинг оғзаки ва тезко фикрлашини ривожлантириши эгалланган билим назорати таҳлилида намоён бўлди. “Мия хужуми” интерфаол усулида дарс ўтилган 14 ҳолатда (66,7%) клиник билим эгаллашда оғзаки нутқ, 6 ҳолатда (28,6%) эса клиник мушоҳада кўникмалари шаклланди, бундан англаш мумкинки, усул машғулотнинг фақат назарий қисми учун муҳим бўлиб, амалиёт кўникмаларини эгаллаш учун етарли даражада аҳамиятга эга бўлмайди.

Дарс жараёнида ўзлаштириш натижалари бўйича II -гуруҳдаги талабаларда I-гуруҳдаги талабаларга нисбатан сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. “Бемор” ролини ижро қиладиган талабалар касалликнинг белгиларини имкон қадар чуқур ўрганишга, субъектив маълумотларни ўзлаштириши 75% га етганлиги аниқланди, “врач” ролини бажарувчи талабаларда эса субъектив маълумотлар билан бир қаторда объектив маълумотлар-пальпация, перкуссия, аускультация кўникмаларини пухта ўргандилар ва кўникмани бажариш 78% га етди. Шунингдек лаборатор-инструментал текширишларнинг натижаларини ўзлаштириши талабаларда 27% га ортганлиги, беморнинг олдида ўзини тутишни ўрганишига ёрдам берди. “Эксперт” ролини ижро қилувчи талабалар ижобий ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган хато-камчиликларни ўз вақтида пайқаб буни олдини олиш ёки бартараф қилишнинг тезкор чораларини нисбатан пухта ўргандилар. Усулнинг камчилик томони шундаки, ҳамма иштирокчилар дарс жараёнига фаол қатнаша олмади. Бундан келиб чиқадики, “уч поғонали интервью” усули талабаларни эркин фикр юритишига имкон бериб, клиник тафаккурини ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш кўрсаткичинини оширади.

I-гуруҳдаги талабаларда клиник ҳолатларни таҳлил қилишда тезкорлик 21% га ортди, дарс давомида ўзларини нисбатан эркин ҳис қилишди, ютуқ ва камчиликларни ўзаро таҳлил қилишни, мустақил фикрлашни ўргандилар, амалий билимларни ўзлаштириш кўрсаткичи II - гуруҳдаги талабалардан сезиларли ортда қолганлиги аниқланди.

Юқоридаги олинган натижалар таҳлили далолат берадики, “Мия хужуми” усули талабаларни назарий билимини мустаҳкамлашга, тезкорликка ўргатади, “уч поғонали интервью” усули эса клиник мушоҳада қилишга ва амалий кўникмаларни эгаллашига ёрдам беради.

Бундан келиб чиқадики, “Мия хужуми” усули амалий машғулотларнинг назарий қисмини, “уч поғонали интервью” усули эса амалий қисмини ўтиш учун қулай.

Хулоса: I. “Мия хужуми” ва “уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билимини шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

2. Амалий машғулотларда интерфаол усулни ҳар бир мавзу учун аниқ белгилаб, шунга мос ёндошиш лозим.

3. “Мия хужуми” усули машғулотларнинг назарий қисмига мос келади, талабанинг тезкор фикрлашга ўргатади. “уч поғонали интервью” усули мавзунинг махсус қисмига мос келиб, амалий кўникмани пухта эгаллашига ёрдам беради.

«Ассесмент» техникаси

Ушбу техника баҳолаш методи ичида усул сифатида қўлланилади. Техника моҳирлик, усталик деган маънони билдиради. Демак, тингловчилар ўз билим, кўникма, малакаларини моҳирлик билан синаб, ўз-ўзларини баҳолашлари, бир синовдан ўтишлари мумкин.

Ассесмент (ингл. - assessment - баҳо) ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтиш деб белгиланади.

Ушбу услуб ўтилган машғулот ёки бўлим бўйича барча мавзуларни тингловчилар томонидан ёдга олиш, ёки бирон-бир мавзу бўйича тренер-ўқитувчи томонидан берилган топшириқ, вазифаларга мустақил равишда ўз муносабатларини билдириш, шу орқали эгалланган билим, кўникма, малакаларини ўзлари текшириб, баҳолашларига имконият яратиш ва машғулот ўтувчи томонидан қисқа вақт ичида барча тингловчиларни ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимлари, кўникмаларини баҳолай олишга йўналтирилган.

Усулнинг мақсади. Тингловчиларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлиги ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, мустақил равишда ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, шунингдек, ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

**Усулнинг қўлланилиши :** ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганида) ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзунинг бошлашдан олдин тингловчиларнинг билимлари текшириб олиш, кўникма, малакаларини аниқлаб олиш учун мўлжалланган. Ушбу усулни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яқка тартибда ташкил этиш мумкин.

Машғулот учун керакли воситалар: тарқатма материаллар (имкон бўлса, бўлмаса тингловчилар ўз дафтарларига жадвални чизиб олишлари, берилган вазифа ва топшириқларни машғулот ўтувчи томонидан эшитиб жавобларини жадвалнинг катакларига тўлатишлари шарт); жадвал учун топшириқлар; қалам (ёки ручка); тақдимот- слайдлар ва б.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда машғулот ўтувчи қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар тайёрланади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

тингловчилар иш тартиби, белгиланган мақсад, унга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;

тарқатма материаллар тарқатилади ёки машғулот ўтувчи томонидан айтиб

турилади, тингловчилар дафтарларига белгилаб олишади; тингловчилар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалдаги катакларда берилган вазифа, топшириқлар билан танишадилар (вазифа ва топшириқлар экранда слайд орқали кўрсатилиши, тингловчилар эса тарқатма материалга ёки дафтарлари фақат жавобларини ёзишлари мумкин ёки бўлмаса тарқатма материалнинг бир томонида топшириқлар берилиши орқа томонига эса жавоблар ёзилиши мумкин, машғулот ўтувчи шароит ва вазиятдан келиб чиқиб ўзи ва тингловчилар учун қулай ҳолатда иш тутади); тингловчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган вазифа, топшириқларни (улар ўтилган мавзу, бўлим ёки ўқув предмети асосида тузилиши мумкин) ўзларининг билимлари асосида якка тартибда бажарадилар; • машғулот ўтувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган топшириқлар вазифаларни, имкони бўлса, экран орқали ёки ўзи оғзаки айтиши орқали тўғри жавобларни беради ҳамда ҳар бир катакда берилган жавобларни баҳо мезони билан таништиради: ҳар бир тингловчи тўғри жавоб билан ўзлари белгилаган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар шунингдек, билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар; машғулот ўтувчи тингловчилар томонидан бажарилган ишларни йиғиб олади ва уларнинг тўплаган баллари ёки баҳоларини гуруҳ журналига қайд этади, ўтказилган ишга яқун ясайди. **Изоҳ:** жадвалдаги катакда сони нечта бўлиши машғулот ўтувчи томонидан қўйилган мақсад, ўтилган мавзу ёки бўлим ҳақидаги маълумотларга боғлиқ. Жадвалда, албатта, ўтилган мавзу, бўлим бўйича маълумотлар ҳам илмий-назарий, ҳам амалий кўникмани текшириш, баҳолашга йўналтирилган тегишли вазифа ёки топшириқлар бўлиши керак. Қуйида ўқув предмети асосида бериладиган вазифа ва топшириқларга қўйиладиган талаблар билан таништирамоқчимиз (мисол тариқасида энг оддий вариант сифатида): Ўқув предметининг бир мавзуси ёки бўлими ёки якуни асосида

Мавзу: Усулни қулланиши\_ техникаси ва тактикаси.

<p>Тест Ўтилган мавзу(бўлим,курс) бўйича 1-2 тест берилади.</p>	<p>Муаммоли вазият Ўтилган мавзу асосида аниқ ҳаётий вазият,ҳодисага асосланган муаммо берилади,талаба бўлажак мутахассис сифатида унинг тўғри ечимини топиши керак. Сизнинг ҳаракатингиз...</p>
<p>Симптом Ўтилган мавзу бўйича илмий-назарий фикрлар асосида берилади,масалан: ...таъриф беринг,...илмий асосланг...,ёритинг... ва б.</p>	<p>Амалий кўникма Ўтилган мавзу мазмунини ҳаётда иш фаолиятида қўллашдаги кўникмаларга тегишли топшириқ берилади,масалан: Чизинг,ҳисобланг,тўлдилинг,топинг,солиштиринг.</p>

«Ассесмент» техникаси усулидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунинг такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича тингловчиларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгаллаганликлари ва шу дарснинг охирида эса бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ёки биринчи дарсда ўқув предмети бўйича тингловчилар қандай билим, кўникмаларга эга эканликларини аниқлаш ёки оралик, жорий, якуний назоратда рейтинг балларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Педагогика фанини ўқитишдаги ўқув машғулотларида «Ассесмент» техникасидан фойдаланиладиган тарқатма материалнинг жадвал катакларига вазифа ва топшириқларни бериш мумкин (мисол тариқасида): Мавзу: Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p>Цирроз билан касалланган беморларни кўздан кечирганда кўрамиз?1).Лабиникизариши,тилини кизариб ялтираши2).барабантаёқчасимон бармоқ,3).медуза боши (саруп meduza).4).қорин веналарини кенгайиши.5).томир юлдузчалар қоринда.</p> <p>1).-3-4-5; 2).-1-3-2; 3).-2-3-5; 4).1-2-4;</p> <p>“Ёлгон сарикликда “ бўялмайди.</p> <p>А)тери Б)товон В)склера Г)кафт</p>	<p style="text-align: center;"><b>ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА</b></p> <p>Бемор 44 ёшда,жинси эркак, касалхонада келганда кўп йиллардан буён касал эканлиги аниқланди ва кўздан кечирганда лаблари тўқ қизил рангда,тили малина рангида, терисида қон куйилишлар,телеангиоэктазия ,қорин юзасида медуза боши борлиги ва гинекомастия борлиги аниқланди.Бемор кўп микдорда спиртли ичимликларни истеъмол қилиши ва эрталаблари тиш ювганда милкларидан қон кетиб туриши,баъзан бурундан қон кетиши аниқланди.Бемор пайпаслаганда жигари катталашган. Перкуссияда жигарнинг пастки чегараси L .medioclavicularis бўйича қовурға жойидан пастга жойлашган.Беморга тахминий ташхис қўйинг.</p> <p>Беморнинг қони текширилганда қандай ўзгаришлар кўриш мумкин.</p> <p>Бу беморда қандай инструментал текшириув олиб борилади ва унда қандай ўзгариш бўлиши мумкин.</p>
<p>Тушунча таҳлил:Диспептик синдромларга хос белгиларни айтинг.</p>	<p>Амалий кўникма.Жигарни Курлов бўйича перкуссияси.</p>

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p>Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини типик (эзофагеал) симптомларни сананг:</p> <p>1. жиғилдон қайнаши,кекириш; 2.эпигастрал ва кўкс ортида оғриқ,балғамли йўтал; 3.қонли кўсиш,дисфагия; 4.ўтли қусиш,оғизда аччиқ таъм сезгиси; 5.эпигастрал ва кўкс ортида оғриқ,дисфагия, 6.жиғилдон қайнаши,киндик атрофида оғриқ.</p> <p>А.1,3. Б.1,3,4.В.1,2,5 С.2,3,4. Д.1,4,5.</p> <p>2.Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини атипик (экстразофагеал) турларини сананг:</p> <p>1.кардиал,бронх,ўпка. 2.отолорингологик,адбоминал. 3.стоматологик,нефрал. 4.анемик,стоматологик.</p> <p>А.1,4 Б.1,3 В.1,2.С.2,3. Д.3,4.</p>	<p style="text-align: center;"><b>ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА</b></p> <p>Бемор Н.30 ёшда.Шикоят:нафас қисиши,қурук йутал,томоқ қичиши.Бемор аллерголог қабулида бўлган ва Бронхиал астма ташхиси қўйилган.Бемор шифокор томонидан берилган дори воситаларини олишига қарамасдан бемор аҳволида ўзгариш бўлмаган.Иштаҳа пасайган. Бемор ўзининг соғлигидан безовта, иш қобилияти пасайган.</p> <p>1.сизнинг ташхисингиз? 2. Беморнинг аҳволида яхшиланиш бўлмаганлигининг сабабини изоҳланг? 3.Қандай дори воситалари тавсия этилади?</p>
<p><b>ТУШУНЧА ТАҲЛИЛ:</b> Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги бу...</p>	<p><b>АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР.</b> Беморларнинг ҳазм қилиш органларини тайёрланг.</p>

## Интерфаол суҳбат

Интерфаол суҳбат оғзаки интерфаол услуби бўлиб, билимларни ўқувчилар томонидан аста-секин ўзаро фикрлашиб, ўзлаштиришларга олиб келувчи, пухта саволлар тизими бўлиб ҳисобланади. Бу суҳбатда ўқитувчи ўқувчининг бирта саволига ўқувчилар бирта аниқ жавоб беришлари лозим.

Услубнинг мақсади шундан иборатки, ўқитувчи томонидан берилган саволлар ўқувчиларнинг тиришқоқлиги, мустақил фикрлашлари, уларни янги билимларни жадал ўзлаштиришга эришиш. Хотира ватафаккурини ривожлантириш, ўқиладиган, ўрганиладиган матн (ёки томоша қиладиган расми, эксперимент ва экскурсия натижалари)нинг асл маъноси, мазмунини

ўқувчилар ҳамкорлигида тушунтириш ва изоҳлаш, ҳамкорликда ишлаш, ўзаро ҳурмат, маъсулиятни ҳис этишни тарбиялаш. Ушбу усулнинг аҳамияти, машғулот ўтувчи қисқа вақт ичида барча тингловчиларнинг билимларини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томондан текшира олади, уларнинг ўз-ўзларини баҳолашларига имконият яратади. Ўқув машғулотни қизиқарли бўлади ҳамда тингловчиларнинг билимларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ва маъсулиятлари ортади.

Ушбу усулнинг аҳамияти, машғулот ўтувчи қисқа вақт ичида барча тингловчиларнинг билимларини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томондан текшира олади, уларнинг ўз-ўзларини баҳолашларига имконият яратади. Ўқув машғулотни қизиқарли бўлади ҳамда тингловчиларнинг билимларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ва маъсулиятлари ортади.

**Қутиладиган натижа:** машғулот ўтувчининг битта саволига битта аниқ тўғри жавоб бериш ҳамда ўрганиладиган материални тўғри тушуниш ва баҳо бериш кўникмалари ҳосил бўлади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- машғулот ўтувчи гуруҳни машғулот мавзуси ҳамда уни ўтказиш тартиби талаблари билан таништиради;
- машғулот ўтувчи мавзунини тингловчиларга тушунтириш (мустаҳкамлаш ё такрорлаш, баҳолаш) учун мавзу мазмунини бир неча кичик бўлимларга бўлади ва шу асосда кичик гуруҳлар ташкил этади (гуруҳлар сони мавзунининг бўлинган бўлимларига боғлиқ);
- машғулот ўтувчи гуруҳларга (аввалдан тайёрлаб қўйилган) кичик мавзу бўлимларини тарқатади (кичик мавзу бўлимлар ёзилган тарқатма материалларни гуруҳлар ўзлари танлаб олишлари ёки ушбу бўлимлар экранда намойиш этилса, экрандаги материаллардан бирини танлаб олишлари мумкин ва ҳ.к.);
- машғулот ўтувчи гуруҳлар томонидан танлаб олинган мавзу бўлимлари устида бош қотиришлари, тарқатма материаллар асосида уни гуруҳ бўлиб ўйлаб кўришлари, агар муаммо бўлса, унинг ечимини биргаликда топишлари, ўз фикрларини тарқатилган қоғозларга ёзма баён этишлари кераклигини тушунтиради;
- гуруҳлар берилган топшириқларни бажаришга киришадилар, машғулот ўтувчи вақт белгилайди;
- гуруҳлар ишларини тугатгач, гуруҳ вакилларида бири тайёрланган материални тақдимот қилади;
- машғулот ўтувчи гуруҳлар тақдимотидан сўнг мавзу асосида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва баҳолаш мақсадида гуруҳларнинг кичик мавзулари мазмунидан келиб чиқиб саволлар беради, бу саволга гуруҳ аъзолари навбати билан бирин-кетин жавоб берадилар ёки фикр билдирадилар, муҳими гуруҳда нечта тингловчи ўтирган бўлса, ҳар бири навбатини ўтказмай жавоб бериши ёки фикр билдириши керак (жавоблар, фикрлар қисқа, бир-бирини қайтармаган ҳолда оғзаки шаклда айтилиши керак);

Изоҳ: машғулот ўтувчи гуруҳ, аъзолари томонидан айtilган жавоблар, фикрларга ўз муносабатини билдириб боради, керак жойларда маъқуллаб, баъзиларига қўшимчалар қилади, тўғрилайди;

машғулот ўтувчи ёки унинг ассистенти гуруҳ аъзоларининг жавоблари ва айтган фикрларини ҳисоблаб боради, умумийсини доскада, флипчарт қоғозда, экранда белгилаб боради;

барча гуруҳлар ўз фикрларини билдириб бўлишгач, машғулот ўтувчи фикрларни умумлаштиради ва асосий мавзуга қўшимчалар киритиб, тўлдиради;

гуруҳлар томонидан доскада (флипчарт, экранда) айtilган фикрлар, жавоблар

сонига қараб, энг кўп фикр билдирган, кўп жавоб берган гуруҳлар аниқланади, машғулот ўтувчи ўзи белгилаган мезонлар асосида уларни баҳолайди, масалан гуруҳда 10 та фикр билдирилган бўлса - 5 баҳо, 8 та - 4 баҳо, 6 та - 3 баҳо, 5 дан кам бўлса - «қоникарсиз», дея баҳоланади.

Изоҳ: бу баҳолар гуруҳга берилади, лекин гуруҳнинг ҳар бир аъзоси шу баҳога эга бўлади.

машғулот ўтувчи тингловчилар баҳоларини эълон қилгач, ўтилган мавзуга яқун ясайди ва кейинги машғулотнинг мавзуси, вақти, ўтказиладиган жойи, ўтиш тартиби билан барчани таништиради.

Технологиянинг мақсади: шахсий таркибга ўқув предметининг мавзусидан

келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатиш, уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммонинг ечишда мос услубларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Шахсий таркиб гуруҳларга ажратилиб, уларни мос ўринларига жойлаштирилганидан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилади, яъни машғулотнинг босқичли бўлиши ва ҳар бир босқич улардан максимум диққат-эътибор талаб қилиниши, машғулот давомида улар яққа, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашлари айtilади. Бундай кайфият шахсий таркибга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга қизиқиш уйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади: шахсий таркиб томонидан машғулот учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарларига белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда машғулот ўтувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиши мумкин);

- ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матндан ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки А-3 форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқади;
- берилган аниқ вақт тугагач, тайёрланган ишни гуруҳ, вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;
- машғулот ўтувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатади;
- тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси (ёки ҳар бир гуруҳ) ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;
- машғулот ўтувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ, аъзоси (ёки гуруҳ) танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Изоҳ: танланган муаммолар ўқув материали асосида белгиланади.

Ушбу усулнинг аҳамияти, машғулот ўтувчи қисқа вақт ичида барча тингловчиларнинг билимларини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томондан текшира олади, уларнинг ўз-ўзларини баҳолашларига имконият яратади. Ўқув машғулооти қизиқарли бўлади ҳамда тингловчиларнинг билимларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ва масъулиятлари ортади.

### Адабиётлар

1. Григораш О.В. Система подготовки специалистов высшего профессионального образования / О.В. Григораш // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского Государственного аграрного университета (Научный журнал КубГАУ) [Электронный ресурс]. – Краснодар.: КубГАУ, 2014, -№ 06(100). С. 411-430.
2. Х.Я. Каримов Новые педагогические технологии. Второй Ташкентский Государственный медицинский институт. 2001г. С. 150.
3. Контроль знаний в высшей медицинской школе: учебное пособие/ Сост. Г.В. Безродная и соавт. Шпикс.-Новосибирск: Сибмедиздат НГМУ. 2007.-с. 125.
4. И.А. Лазарева. Возможности повышения качества учебного процесса при использовании методов активного обучения. Инновации в образовании 2004; 3: С. 52-60.
5. Т.А. Дронова. «К вопросу о преподавании пропедевтики внутренних болезней». Клиническая медицина №3 2003г. С. 67-70.
6. Панина Т.С., Вавилова Л.Н. Современные Способы активации обучения/ под ред. Т.С. Паниной. –.: Академия, 2007.-с.176
7. Реутова Е.А. Применения активных и интерактивных методов обучение в образовательном процессе ВУЗ. Методическое рекомендации. Новосибирск 2012. С.4
8. Chong S.C., Low M.Y.H. A Bee Colony Optimization Algorithm to Job Shop Scheduling // Winter Simulation Conference: Proceedings of the 38th Conference on Winter simulation. – Monterey: Monterey Press, 2006. – P. 1954–1961.
9. Teodorović D., Dell’Orco M. Bee Colony Optimization – a Cooperative Learning Approach to Complex Transportation Problems // Advanced OR and AI Methods in Transportation: Proceedings of 16th Mini–EURO Conference and 10th Meeting of EWGT (13-16 September 2005). – Poznan: Publishing House of the Polish Operational and System Research, 2005. – P. 51–60.
10. Ёулдошев Ж.Г. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари Т-2001
11. Ишмухаммедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти ТРБИММ, 2008 й.
12. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар.